



Ислом Нури

«...» :...» «...»).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхумо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар уч киши бўлсалар, бирини қолдириб, иккитаси шивирлаб гаплашмасин», дедилар.

«...» :...» «...»).

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анху шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бир киши иккита одамнинг ўртасига уларнинг изнисиз ўтириши мумкин эмас», дедилар.

«...» :...» «...»).

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Абу Ҳурайра розияллоҳу анху шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким бир ўтиришда ўтирганида беҳуда гаплари кўп бўлса, туришидан олдин: ✦ “Субҳанакаллоҳумма ва биҳамдик, ашҳаду ан ла илаҳа илла анта,



Ислом Нури

астағфирука ва атубу илайк” (Парвардигоро! Сен барча айбу нуқсондан покдирсан. Сенинг ҳамдинг билан тасбеҳлар айтаман. Гувоҳлик бераманки, Сендан Ўзга ҳеч бир илоҳ йўқ. Сендан истиғфор сўрайман ва Сенга тавбалар қиламан), деса, шу мажлисида қилиб қўйган (кичик) гуноҳлари кечирилади», дедилар.

Шарҳ:

Мусулмонлар ўртасида дилхираликлар бўлиши олдини олиш учун Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам мажлис ва ўтиришлар одобини баён қилдилар. Бир мажлисда уч кишидан бошқа одам бўлмаса, биттасини ажратиб қўйиб, иккитаси шивирлашиб гаплашмаслиги лозим. Чунки, бу унинг кўнглини оғритиши мумкин. Шунингдек, бир киши иккита одамнинг ўртасига уларнинг изнисиз ўтириб олиши мумкин эмас. Чунки, уларнинг бировга билдиргилари келмаган ўзаро гап-сўзи ёки суҳбатлашиб ўтиришган бўлиши мумкин. Мажлисдан туришдан олдин унда бўлиб ўтган ҳар хил ҳазил-ҳузул, ноўрин сўзлар каби кичик гуноҳларга каффорат бўлувчи юқоридаги дуони ўқиш ҳам мажлис одобларидан саналади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Бир кишини ажратиб, икки киши ёлғиз шивирлаб гаплашиши мумкин эмас.
2. Икки киши гаплашиб ўтирган бўлса, бир одам келиб, улардан рухсат сўрамасдан ўрталарига ўтириши мумкин эмас.
3. Ўтиришларни мажлисга каффорат бўлувчи дуо билан якунлаш суннатдир.